

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У Қ М

2026 йил март ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Арсланов, судья ёрдамчиси А.Тилавовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Қувондиқов, судланувчи К.Намозов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Негматовларнинг иштирокида, Намозов Комилжон Норимовичга нисбатан 1-1401-2605/175-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Намозов Комилжон Норимович** (Namozov Komiljon Norimovich), 1969 йил 20 декабрь куни Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, муқаддам;

1)Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2024 йил 5 декабрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 257-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тугатилган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, Самарқанд тумани, “Хишрав” кўрғонида жойлашган “AZIA METALL PROF” МЧЖда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича бўлим бошлиғи вазифасида ишлайди, Самарқанд тумани, “Миришкор” маҳалласи, “Тонг” кўчаси, 10-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2026 йил 28 январь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Намозов Комилжон Норимович - 2025 йил 1 февраль кунидан буён юридик манзили Самарқанд тумани, “Хишрав-2” кўрғонида жойлашган “AZIA METALL PROF” масъулияти чекланган жамиятда техника хавфсизлиги бўйича масъул шахс вазифасида ишлаб келаётган даврда жамият раҳбарияти томонидан ўзига юклатилган вазифаларни меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича тайинланган масъул ходим сифатида жамиятда ўзининг хизмат вазифаларини бажариб келаётганда, жамият ходимларининг иш жараёнларида хавфсиз ишлашларини таъминлаш ва уни назорат қилиш бевосита



хизмат вазифасига юклатилган бўлса-да, у ўз вазифавий мажбуриятларини бепарволик билан лозим даража бажармасдан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар ўтказса-да, баландликда ишлаш учун махсус кийим бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя воситаларини тақиб ишлашини назоратга олмай, жамиятда ишчи-ходимлар ишларини технология регламентлари бўйича олиб борилиши учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги йўриқномаларини талаб даражасида ишлаб чиқмай, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 362-моддаси, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасида, “Иш берувчи барча янги ишга кираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларини ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этиши шарт”лиги кўрсатилган бўлса-да, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 25-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 24 январда 1890-сон билан рўйхатга олинган Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 29-бандида, ходимлар баландликда тўсиқ ўрнатиш имконияти бўлмаган қисқа муддатли ишларни бажараётганларида сақлаш камарларидан фойдаланишлари шартлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, марҳум Зиёдулло Шукур ўғлини назорат қилмаганлиги, “AZIA METALL PROF” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси директори томонидан 2025 йилда тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги инспекторининг лавозим йўриқномаси”ни “Асосий вазифалари” номли 3-қисмининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат ва ёнғин хавфсизлиги нормалари, қоидалари ва йўриқномаларига корхонанинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари томонидан риоя этилишини назорат қилиш” деб кўрсатилган, 3,2-бандидаги, “Иш жойларидаги меҳнат шароитларини мунтазам текшириш, аниқланган қоидабузарликлар ва хавфларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш” деб кўрсатилган талабларини етарли даражада бажарилмаганлиги, жамиятда техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс сифатида жамиятга тегишли бўлган корхонада курилиш монтаж бўлимида 2025 йил 16 октябрь куни соат 15:30 ларда, корхонада пайвандчи бўлиб ишлаган марҳум З.Бурхоновни тепаликда ишлашини назорат қилмасдан, гарчанд унга ишга рухсатномаси (наряд-рухсатномаси) берилган бўлишига қарамасдан, йўриқнома талабига амал қилмаганлиги ҳамда лавозим мажбурияти йўриқномаси, шунингдек сақлаш камарларидан фойдаланмасдан ишларни бажарганлиги натижасида марҳум З.Бурхонов оғир тан жароҳати олиб, шифохонага тушиб, 2025 йил 23 октябрь куни шифохонада вафот этишига сабабчи бўлган.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий - амалий маркази Самарқанд филиалининг 2025 йил 30 декабрь кунидаги 4124-сонли “судга оид тиббий” экспертиза хулосасида, марҳум З.Бурхоновнинг ўлими бош мийянинг қисилиши билан кечган бош мия пардалари остига, тўқимаси ва қоринчаларига қон қўйилиши, бош миянинг шишиб бўкиши кўринишдаги ёпиқ калла мия роҳатидан келиб чиққанлиги, З.Бурхоновнинг мурдаси танасида, яъни кўкрак



қафаси, ўнг сон, чап оёқ кафт усти соҳасида шилинмалар, иккала кўз юқори қовоқ, ўнг оёқ кафти соҳаларида қонталашлар, пастки лаб ости соҳасида урилиб йиртилган яра, калла тери ости юмшоқ тўқималарига қон қўйилиши, бош мия пардалари остига, тўқимаси ва қоринчаларига қон қўйилиши, бош миянинг қисилиши каби тан жароҳатлари аниқланганлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида, яъни қарорда кўрсатилган ҳолатда етказилган бўлиши мумкинлиги, ушбу жароҳатларда “Оғир тан жароҳатлари”нинг белгилари мавжудлиги ҳамда унинг ўлими сабаби билан бевосита боғлиқлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Самарқанд вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасининг 2025 йил 18 ноябрь кунидаги далолатномасида, “AZIA METALL PROF” масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасида муҳандислик ишлари бўлими меҳнатни муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича бўлим бошлиғи К.Намозов томонидан (марҳум) З.Бурхоновни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 362-моддаси (Ишга янги кираётган барча ходимлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқ беришни амалга ошириши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга оид ўқувни ташкил этиши шарт)да, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси (Иш берувчи барча янги ишга кираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усуллари ҳамда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этиши шарт)да кўрсатилган талабларга тўлиқ риоя қилмасдан, 2025 йил 1 июнь куни “Кириш” йўриқномасидан ўтказган бўлса-да, З.Бурхонов шу йўриқномаларга амал қилмаганлиги, иш берувчи билан ўртасида 2025 йил 1 июль куни тузилган 793-сонли меҳнат шартномасининг “Томонларнинг мажбуриятлари” номли 2-қисмининг “Ходим меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитария талабларига риоя қилиш ва лавозим йўриқномаларига риоя қилиши” лозим деб кўрсатилган бандлари бажарилмаганлиги, корхонаси директори томонидан 2025 йилда тасдиқланган “Электрогазопайванчини лавозим йўриқномасининг “Асосий вазифалари” номли 3-қисмида, “Меҳнат муҳофазаси, электр хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига қатъий риоя қилиши” лозим деб кўрсатилган 3.7-банди талаблари жамият пайвандчиси (марҳум) З.Бурхонов томонидан бажарилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 24 январда 1890-сон билан рўйхатга олинган Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 29-бандида, ходимлар баландликда тўсик ўрнатиш имконияти бўлмаган қисқа муддатли ишларни бажараётганларида сақлаш камарларидан фойдаланишлари шартлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, (марҳум) З.Бурхонов томонидан сақлаш камарларидан фойдаланмасдан ишларни бажарганлиги, Меҳнат Кодексининг 360-моддаси, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 200-сонли “Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга



қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи асосида амалга оширилмаганлиги, яъни ишга қабул қилиш вақтида тиббий кўриқ маълумотномаси кадрлар бўлими ходимлари томонидан талаб қилиб олинмасдан ишга қабул қилинганлиги жамият шаклидаги кўшма корхонаси Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлимига бўлим бошлиғи К.Намозов томонидан “Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги инспекторининг лавозим йўриқномаси”ни “Асосий вазифалари” номли 3-қисмининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат ва ёнғин хавфсизлиги нормалари, қоидалари ва йўриқномаларига корxonанинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари томонидан риоя этилишини назорат қилиш” деб, 3.2-бандидаги, “Иш жойларидаги меҳнат шароитларини мунтазам текшириш, аниқланган қоидабузарликлар ва хавфларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш” деб кўрсатилган талабларини етарли даражада бажарилмаганлиги, 3.Бурхоновга жамият томонидан берилган шахсий ҳимоя воситалари берилган бўлса-да, ушбу шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланилмаганлиги ва лавозим йўриқномасини тегишли бандларига амал қилмаганлиги, қурилиш бўлими бошлиғи томонидан 2025 йил 16 октябрь куни баландликда ишлаш учун меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқнома билан таништириб пайвандчи лавозимида ишлаган (марҳум) 3.Бурхоновга ишга рухсатномаси (наряд-рухсатномаси) берилган бўлишига қарамасдан йўриқнома талабига амал қилмаганлиги ҳамда лавозим мажбурияти йўриқномаси ҳамда сақлаш камарларидан фойдаланмасдан ишларни бажарганлиги натижасида ушбу бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқишига сабабчи бўлганлиги, мазкур ҳолатда К.Намозов техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахс ҳисобланиши кўрсатилган.

Судда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Намозов Комилжон Норимович ўз кўрсатувида, айбига иқрорлиги, у “AZIA METALL PROF” масъулияти чекланган жамият шаклидаги кўшма корхонада 2019 йилдан бошлаб меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича инспектор бўлиб ишлаб, 2025 йил 1 февраль кунидан буён жамият шаклидаги ушбу кўшма корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича масъул ҳамда бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келиши, унинг вазифаларига корхонада меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, саноат ва ёнғин хавфсизлиги нормалари, қоидалари ва йўриқномаларига корxonанинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари томонидан риоя этилишини назорат қилиш, иш жойларидаги меҳнат шароитларини мунтазам текшириш, аниқланган қоидабузарликлар ва хавфларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш, ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кириш, бирламчи, даврий ва навбатдан ташқари йўриқномаларда иштирок этиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш, уларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш, махсус кийим-кечак, махсус пой афзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашини ва уларнинг тўғри қўлланилишини назорат қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича зарур ҳужжатларни (йўриқномалар, журналлар, баённомалар) юритиш ва ҳисоботларни тайёрлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги масалалари бўйича давлат назорат органларида корхона

манфаатларини ифодалаш кабилар киришлиги, кўшма корхонада 1.000 дан зиёд фуқаролар ишлаб келаётганлиги, кўшма корхона асосан қурилишда ишлатиладиган барча темир жисмлар билан боғлиқ қурилиш ашёларини ишлаб чиқариши, марҳум З.Бурхонов 2025 йил 1 июль кунидан қурилиш, қайта қуриш ва таъмирлаш бўлими электрогаз пайвандчиси вазифасида ишлаб келганлиги, марҳум З.Бурхоновга ишга киргандан бошлаб кириш йўриқномасини, техника хавфсизлиги бўйича йўриқнома, хавфсизлик қонун қоидалари бажарилиши тўғрисида мажлис каби ишларни бажарганлиги ва бу тўғрисида ҳамма ҳужжатлар тузилиб, марҳум З.Бурхонов томонидан имзоланганлиги, марҳум З.Бурхонов 2025 йил 16 октябрь куни руҳ ва палимерка ишлаб чиқарувчи бўлимда 18-20 метрлик масофада ҳаво айлантириш ускунаси ўрнатмоқчи бўлиб, сендвич панелларини олаётган вақтида бетон билан қопланган ер қопламасига йиқилиб, тан жароҳати олганлиги, у дарҳол тез ёрдам машинасида Республика Ихтисослаштирилган Травматология ва Ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига ётқизилганлиги, кўрсатилган тез тиббий ёрдамга қарамасдан марҳум З.Бурхонов 2025 йил 23 октябрь куни шифохонада вафот этганлиги, у марҳум З.Бурхонов махсус белбоғ, оёқ кийим, кийим-кечак, каска ва шиток каби ҳимоя қилиш воситалари билан таъминланиши ва ушбу воситаларини кийишини етарлича назорат қила олмаганлиги, корхона раҳбари томонидан тасдиқланган “Меҳнатни мудофаа қилиш ва техника хавфсизлиги инспекторининг лавозим йўриқномаси”даги ҳолатлар унинг вазифаларига кириши, бепарволиги сабабли, шу ҳолат рўй берганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, корхона мутасаддилари марҳумнинг оила аъзоларига моддий томондан ёрдам беришганлиги, уларни даъвоси йўқлигини билдириб, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний ёрдам бериб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинламасликни сўради.

Судда, судланувчи К.Намозов содир этган жиноятига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг айби қуйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан;

Судда сўроқ қилинган марҳум жабрланувчининг қонуний вакили Қодиров Шукур Бурхоновичнинг, марҳум З.Бурхонов ўғли эканлиги, ўғлининг 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, ўғли “AZIA METALL PROF” МЧЖ кўшма корхонасида қурилиш, қайта қуриш ва таъмирлаш бўлими электрогаз пайвандчиси вазифасида ишлаганлиги, 2025 йил 16 октябрь куни шу корхонада ишловчи жияни унга кўнғироқ қилиб, ўғли иш жараёнида тепаликдан йиқилиб, травматология шифохонасига ётқизилганлигини маълум қилганлиги, сўнг у турмуш ўртоғи билан биргаликда шифохонага келганида ўғлини оғир аҳволда шифохонада ётганлигини гувоҳи бўлишганлиги, ўғлига шифохонада шифокорлар томонидан бир неча кун давомида тиббий ёрдам кўрсатилганлиги, бироқ тиббий ёрдамга қарамасдан ўғли 2025 йил 23 октябрь куни вафот этганлиги, ўғли ишлаган “AZIA METALL PROF” МЧЖ раҳбарияти уларга моддий жиҳатдан қарашиб, ёрдам кўрсатишганлиги, марҳум ўғлининг таъзия ва бошқа маросимларини ўтказишда, моддий томондан кўмаклашиб, бугунги кунга қадар 54.000.000 сўм пулларни бериб ёрдам кўрсатишганлиги, ҳозирги кунда МЧЖ раҳбарияти ёки судланувчи К.Намозовга нисбатан бирор-бир даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;



Бундан ташқари, судланувчи К.Намозовнинг ушбу жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг ва марҳум жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларидан ташқари, иш хужжатларида мавжуд бўлган тушунтириш хатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари, фото иловалари, судга оид тиббий экспертиза хулосалари, Самарқанд вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасининг текширув далолатномалари, сўроқ баённомалари, марҳум жабрланувчининг қонуний вакили деб эътироф этиш қарор ва шунингдек жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топади.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи К.Намозовнинг одам ўлишига сабаб бўлган, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилишида ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи К.Намозовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, муқаддам судланмаганлиги, айбига иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, марҳум жабрланувчининг қонуний вакилини даъвоси йўқлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи К.Намозовга нисбатан жазо тури ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “...Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “...Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” - деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, уни муқаддам судланмаганлиги, айбига қисман иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, унинг шахсини жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми санкциясида кўзда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда, озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддасида белгиланган тартибдан келиб чиқиб, унинг келгусида яна жиноят содир этишининг олдини олиш ҳамда жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида жазони судланувчи К.Намозовни яшаш жойида ўташни белгилашни, иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклашни, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш

жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашларни юклатишни, қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд,-

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

**Намозов Комилжон Норимович** (Namozov Komiljon Norimovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 257-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 (бир) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни корхона, муассаса, ташкилот ва масъулияти чекланган жамиятларда техника хавфсизлиги бўйича муҳандис ҳамда раҳбарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ, судланувчи К.Намозовнинг яшаш жойи ҳисобланган Самарқанд тумани, “Миришкор” маҳалласи, “Тонг” кўчаси, 10-уйда белгилансин ҳамда уй-жойидан, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда чиқиши чеклансин.

К.Намозовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига асосан;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи К.Намозовнинг тақиқларга, (чеклашларга) риоя этиши устидан назорат олиб бориш Самарқанд туман ИИБ ҳузуридаги Пробация гуруҳи ходимлари зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси 2-қисмига асосан тайинланган озодликни чеклаш ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати, судланувчи К.Намозов жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи К.Намозовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Самарқанд вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақамига тўланган 9.800.000 (тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм пуллар тегишли тартибда судланувчи К.Намозовга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва марҳум жабрланувчининг қонуний вакиллари эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья:**  
**Нусхаси аслига тўғри**

/имзо/

**Ж.Арсланов**

